

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

426 Мажбурий тартибда сертификатладиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон қарорига мувофиқ, шунингдек аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан қўлланиладиган назорат-касса машиналарининг техник тавсифлари ва сифатига қўйиладиган талабларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатладиган маҳсулот турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 55-1 позиция қўшилсин:

55-1.	Назорат-касса машиналари (маълумотларни босиб чиқариш қурилмаси ўрнатилган электрон санаш машиналари ва касса аппаратлари)	8470 21 000 0, 8470 50 000 0
-------	--	---------------------------------

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 20 ноябрь,
255-сон